

## Тарихий Шахслар Образларида Миллий Ғоя Талқини

*Шарофат Юсупова<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Ушбу мақолада тарихий портрет жанри, ўзбек миллий тарихий портрет санъати, ушбу жанрда ижод қилган рассомлар ижоди, шунингдек, тарихий портрет жанрининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Амир Темур, Беруний, тарихий портрет, Шамсируй Хасанова, Малик Набиев, рассом.

Ўзбекистондаги миллий мактаб доирасида тасвирий санъатнинг бошқа турлари каби тарихий портрет жанр ҳам XX асрнинг иккинчи ярмида жадал ривожланди.

**Тарихий портрет** – ўтмишнинг машхур сиёсий, ижтимоий ёки ҳарбий арбобининг, давр қаҳрамонининг рассом томонидан яратилган портрети бўлиб, унда шахснинг тарихий адабий тавсифлари, характеристики, ижтимоий мавқеи очиб берилади. **Шунингдек, тарихий** портретнинг фонида қаҳрамон шахс иштирок этган тарихий саҳналар ва воқеалар ҳам акс эттирилиши мумкин.

Рассом шахс сифатида шаклланиб боргани сайин ўз халқи анъаналари, ҳаёт тарзини ўзида сингдириб бораверади. Юртимизда кучли реалистик мактаб таркиб топиши жуда ҳам ажойиб портретчи – рассомларни вужудга келишига сабаб бўлди. Ўзбекистон тасвирий санъатида тарихий портрет жанрида Малик Набиев, Шамсируй Хасанова, Рустам Худойберганов, Алишер Алиқулов каби рассомлар кенг ижод қилишган. Улар тарихий шахсларнинг портретларини яратишида портретни янги ғоявий пластик мазмун билан бойитдилар. Шундай рассомлардан бири **Шамсируй Хасанова** бўлиб, у 1940 йиллардан бошлаб, тарихий портретга мурожаат қила бошлади. Унинг “Зебинисобегим”, “Шоира Нодирабегим”, “Шоира Увайсий”, “Мутрабо портрети” ва унинг композицион тузилиши, колоритининг гўзаллиги ва чизик пластикасининг ифодалилиги билан ажralиб туради. Айниқса қашқарли “Шоира Мутрабо” портрети ўзининг шафтоли гулидек нозик, билурдек тиниқ ранги, чизикларининг мусиқавийлиги билан шу даврда ишланган тасвирий санъат асарлари орасида ажralиб туради. Ушбу асарда Ш.Хасанова шарқ миниатюра ва маҳобатли деворий рассомлик санъати анъаналари, Европа реалистик санъати анъаналарини уйғулаштиришга интилиб ўзига хос янги пластик ечимга эришган.[1]

Яна бир маҳоратли рассомларимиздан бири **Малик Набиев** бўлиб, Рассом асосан портрет жанрида замондошлари билан бир қаторда тарихий алломалар образини ҳам яратиш устида қўп меҳнат қиласида. У 1952 йили Шарқнинг буюк алломаси Берунийнинг таваллуди муносабати билан эълон қилинган танловда “Беруний” образини яратиб, ғолибликни қўлга киритган.

Ўзбекистоннинг жасур, афсонавий қаҳрамонлари Спитамен, Муқаннага бағишилаб композициялар ишлади, Амир Темур, Бобурга аталган дастлабки қораламаларни бажарди. Рассомнинг етук асарларига хос хусусият ишланган асарлари технологиясининг пишиклиги, колоритининг ёрқинлиги, тасвирланувчининг ички туғёнини очишга ҳаракат ҳамда тасвирланаётган воқеликни реал тарихий шароитда тасвирлашга интилишида кўринади. Рассом ижодининг бу жиҳатлари унинг кейинги йилларда, хусусан Амир Темур таваллуди (1996 йил) муносабати билан ўтказилган танловда “Амир Темур портрети”ни яратиб, ғолибликни қўлга

<sup>1</sup> К.Беҳзод номилаги Миллий рассомлик ва дизайн институти мустақил изланувчиси



киритилишини таъминлади. Ушбу асар кейинчалик бошқа ижодкорлар учун (рассом, ҳайкалтарош) Амир Темур образини яратишида эталон сифатида хизмат қилди.

Портрет композициясини яратишида рассомларнинг ўзига хос услуги мавжуд бўлиб, Малик Набиев портрет яратишида адабий қўллэзма, этнографик хужжатлардан унумли фойдаланади.

Рассом ўз фаолияти давомида тарихий шахслар портрети, тарихий воқеаларни тасвирлашга жуда қизиқар эди. Тарихий шахслар образини яратиш накадар мушкуллигига қарамасдан ижодкор ўзининг тинимсиз меҳнати туфайли буюк сиймолар образини юксак бадиий савияда ярата олди. Улар Амир Темур, Беруний, Бобур, Ибн Сино, Жомий ва Навоий, Ал Розий, Ал Хоразмий каби бир қанча йирик олим, шоир, давлат арбобларининг образлари дидир. Ана шундай асарлардан бири 1962 йилда яратилган “Захириддин Муҳаммад Бобур” портретидир. Мазкур асарни яратиш мақсадида рассом кўп йиллар давомида изланишлар олиб борди. У Бобур яшаган жойларда-Андижон, Самарқанд, шаҳарларида ва Афғонистон, Ҳиндистон каби шаҳарларда бўлди. Бобур ҳақида яратилган мўъжаз рангтасвир асарлари билан танишди. Рассомнинг кўп йиллик тинимсиз меҳнати натижасида яратилган Бобур портрети олқишиларга сазовор бўлди.

Беруний таваллудининг 1000 йиллиги муносабати билан 1973 йилда Берунийнинг энг яхши портрети учун эълон қилинган танловда Малик Набиевнинг иши биринчи ўринга сазовор бўлди. Бу портрет Юнесконинг – “Куръер” журнали муқовасида ва хорижий мамлакатларининг кўпгина журнал ва газеталарида ҳам берилди.

М.Набиев ижодида 1994 йилда яратилган “Амир Темур” портрети асосий ўринни эгаллади. Бу асарни яратиш истаги 1941 йилда Соҳибқирон гўри очилиб, унинг калла суяги олингани ҳамда бу асосда Амир Темурнинг ҳайкалини рус ҳайкалтароши М.Герасимов томонидан ишлашга киришилган вақтда бошланган. Соҳибқироннинг бош суягини тарих музейида ўз кўзи билан кўрган М.Набиев унинг портретини ишлашга киришган эди. Буюк шахсни портретини ишлаш қанчалик маъсулиятли ва мураккаб бўлганлигини билган рассом бунга эллик йилдан ортиқ вақт сарфлади. Бу даврда у Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Англия, Франция, Испания каби мамлакатларнинг музейлари ва кутубхоналарида сақланаётган Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган мўъжаз рангтасвир асарларини у ҳақида яратилган кўплаб адабиётларни ўрганди. Охир оқибатда давлат арбоби, ҳарбий қўмондан образини реалистик тарзда зўр маҳорат билан яратишга муваффақ бўлди.

1994 йилда энг яхши яратилган Амир Темур образи учун эълон қилинган танловдан М.Набиевнинг бу асари бош мукофотга сазовор бўлди.

Рассомнинг тарихий жанрда яратилган айрим асарларида озодлик учун бўлган халқ қўзғолонлари моҳияти очиб берилади. М.Набиев авлоддан-авлодга хикоя қилиниб келинаётган тарихий воқеаларни астойдил ўрганиб, тарих сирларини жонли рангларда тасвирлашга муваффақ бўлган. Унинг ана шундай асарларидан бири Александр Македонскийга қарши озодлик учун кураш ҳақидаги – “Спитамен қўзғолони” асаридир. Шу жанрда яратилган асарлар қаторига – “Самарқандда ҳунармандлар қўзғолони”, “Жиззах қўзғолони” каби ишларни киритиш мумкин.

Рассом **А.Абдуллаев** ҳам кўплаб инсонларнинг портретларини яратган бўлиб, улар орасида болалардан тортиб, оддий деҳқонлар, улкан санъат, адабиёт намоёндалари, давлат арбоблари, хизмат кўрсатган шахслар бор.

XX асрнинг 80-90 йиллари Абдулҳақ Абдуллаев яратган Алишер Навоий портрети ҳам эстетик, ҳам буюк шоирнинг маънавий оламини очиб бериши билан ҳам қимматлидир. Бу портрет ҳозирги кунда ЎзРФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейининг мулки ҳисобланади. Рассом портретни кўп вариантларда ишлади, уларнинг барчаси бир хилдаги аҳамиятга эга бўлмади, лекин амалга оширилган катта ижодий иш ўз мевасини берди, натижада портрет Ўзбекистон тасвирий санъатида унutilmas воқеа бўлиб қолди. Узунроқ тўртбурчак матода ҳассага қўлларини қўйиб олган шоир портрети яратилди. У шоҳона сарой чопонида



тасвириланган. Жиддий қиёфада ишланган шоир юзи асардаги умумий ранг-тус уйғунлигини ифодалаган.

Буюк мутафакир Алишер Навоий образи устида бу рассомчалик күп меңнат қылган санъат устасини тасвирий санъат вакиллари ичида топиш амри маҳол бўлса керак. “Бир неча нусхада чизилган Алишер Навоий портрети ўзининг мўътадиллиги, софлиги ва руҳий дунёсининг бойлиги билан ажralиб туради. Бунда рассомга хос романтик туйғу билан тасвириланмиш шахснинг руҳий дунёсини чуқур тушуниш қобилияти бир-бири билан уйғунлашиб кетади, - деб таърифлайди санъатшунос, адаб, олим Тилаб Махмудов.[2. 18б.]

Яна бир тарихий портрет жанрида ижод килган рассомларимиздан бири **Нельмат Қўзибоев** бўлиб, у дастлаб график рассом сифатида эътироф этилган. У турли – портрет, пейзаж, кўп фигурали композиция жанрларда маҳорат билан асарлар яратган.

Портрет жанри узок йиллар давомида рассом ижодининг асосини белгилаб берди. Ушбу жанрдаги унинг энг сара асарлари – ҳалқ артисти “Юнус Ражабий портрети” (1954 йил), шунингдек Шарқ донишманлари ва шоирлари – “Алишер Навоий”, “Абу Райхон Беруний”, “Фурқат”, “Нодирабегим”, “Абдулла Қодирий”, “Амир Темур” портретлари ана шулар жумласидандир. Ушбу портретлар оралиғидаги масофа неча ўн йилларни ташкил этади. Уларнинг бари, ижтимоий тури, ҳис ҳаёжонли руҳий ҳолати, образга ёндашув услублари бетакрор шоироналиқ ва инсон шахсининг одатий бўлмаган жиҳатлари ёритилган.

Ижодкорнинг ҳар бир даврга хос ва мос ранглар оламини яратганлиги унинг катта ютуғидир. Рассом тарихий мавзуга – аждодлар меъроси, уларнинг маънавий дунёси, яшаш тарзига шу қадар қизиқдики, бу туркум яратган асарлари ўзбек тасвирий санъатининг дурдоналаридир.

Ана шундай асарларидан бири “Алишер Навоий ва Ҳусайн Байқаро” асари. Унда шоир ва подшоҳ кўркам айвонда шоирона сұхбат қуриб ўтирган ҳолатида тасвириланган. Асарда қўлида янги қўллэзма китоб, янги асарини сұхбатдошига ўқиб берган шоир ва подшоҳнинг ҳайратини яширмай сўзлашга чоғланган ҳолатини кўрамиз. Олисда қорли тоғлар, яшнаган боғ-у роғлар акс этган, рассом томошабин нигоҳини уларнинг юксак маънавий оламига, ўша давр аслзодалар ҳаёти тарзига, санъат оламига қаратди. Унинг “Фурқат”, “Абу Али ибн Сино”, “XVIII асрдаги шоир Равнақ портрети” каби анча машҳур бўлган картиналари, шубҳасиз, рассом ижодининг чўққиси ҳисобланади. Рассомнинг туркум картиналари Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлардаги музейлар, галереялар, шахсий коллекциялардан ўрин олган.

**Собир Рахметов** ўз ижод йўлида ҳақиқий мактаб анъаналарини давом эттироқда. Рассомнинг ижодий қобилияти портрет, тарихий жанрларида тўлиқ намаён бўлди. Инсон шахсиятининг ички кечинмалари унинг қалб сирларига теран кириб бориш рассомга ато этилган истеъдод дейиш мумкин.

Инсон шахсиятининг ички кечинмалари, унинг қалб сирларига теран кириб бориш рассомга ато этилган истеъдод дейиш мумкин. Унинг қалб кўзи билан кўра олиш қобилияти ҳар кимга ҳам насиб қиласкермайди.

Инсон қалбини ҳайратга солувчи гўзаллиги ва абадий сирлилигини классик портрет персонажларининг сирли бокишиларида, инсон тасвиридаги уйғунлик, шартлилик сингари шарқона анъаналарни эслаймиз.

**Рустам Худойберганов**нинг портретлари ҳам томошабинни бефарқ қолдирмайди. Рассом ўз асарларида қаҳрамонларнинг оламини очиб беришга ҳаракат қиласди. Унинг портретларида майда деталларгача пухта ишлангани, инсонга бўлган қизиқиши туфайли томошабинни мафтун этади. Бунга уни “Ҳамид Олимжон”, “Хожар хола”, “Сокинликни тинглаб...” асарларини мисол қилиб келтириш мумкин. Рассом аввалги рассомлар услубини қўллаган ҳолда, ҳеч қандай ёрдамчи воситаларсиз, тўқ фонда портретлар яратади. Бу эса ўз ўрнида асар қаҳрамони қиёфасини янада мукаммал очиб бериш имкониятини оширади. (1. 37-б.)



Ҳар бир рассом портрет яратиша ўз тажрибаси, ранг хусусияти ва усулига таянган ҳолда асарлар яратиб, тасвирий санъатнинг портрет жанри ривожига ўзининг муносиб хиссасини қўшиди. Шунингдек, ҳалқ орасида ном қозонган улуғ инсонларнинг портретлари яратилди ва бу жараён ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Рассомнинг “Амир Темур портрети”, “Бобур”, “Жалолиддин Мангуберди”, “Султон Абдусаид мирзо”, “Тўмарис”, “Феруз портрети”, “Спитамен”, “Момо”, “Хожар хола”, “Отам портрети” ва “Асло таслим бўлмаймиз” (Ж.Мангуберди) тарихий картиналари каби портрет асарлари томошабинлар эътиборига тушган.

Ўзбекистонда портрет жанрида ижод қилувчи рассомлар орасида **Хушруя (Азиза) Маматова** алоҳида ўринга эга. Бу рассом улуғ алломалар, мутафаккирлар тимсолларини яратиша катта хизмат қилиб келмоқда. Унинг Абу Али ибн Сино, Машраб, Бобур, Усмон Носир, Чўлпон, Ойбек, Файбулла ас-Салом каби шахсларга бағишлиланган портретлари буюк сиймолар хотирасини абадийлаштиришда муҳим ўрин эгаллайди. Ижодкор ҳар бир шахсга хос хислатлар, хусусан, улуғворлик ва индивидуалликни ранглар воситасида маҳорат билан ифодалайди. Азиза Маматова яратган портретларда муаллифнинг ватанпарварлик туйгулари, ўзи яратадиган сиймоларга меҳр-муҳаббати ёрқин акс этган. У чизган портретлар чинакам ижод маҳсулни бўлиб, яратилаётган ҳар бир образнинг ўз олами, ички дунёси мавжуд. Бундай асарларда рассом ўз замонаси кайфиятини, унинг сир-асрорларини очиб беришга бошқа рассомларга хос бўлмаган усулда ёндашганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жумладан, Ибн Сино тасвирини олтин куз фаслининг сокин табиати бағрида кўриш қизиқарли. Портретда олтин куз фонида саховатли алломанинг маънавий қиёфаси ўз аксини топган. Учкур отнинг жиловланмагани эса Ибн Синонинг илоҳий ва илҳомга бой фикрлари нақадар тезкор ва ўткирлигини акс эттираётгандек. Шу боисдандир, мусаввира таъкидлаганидек, у қалбан севган инсонларни тасвирлашга, улар сиймосини рангтасвирда тиклашга ҳаракат қиласди.

*Холоса ўрнида айтиши мумкинки, Ўзбекистон тасвирий санъатининг портрет жанрида шахс концепцияси бир нечта тарихий босқичлардан ўтиб, ҳар гал унинг трансформацияси ўзгача кечган. Ўзбек рассомлари томонидан яратилган портретларда шахс сиймоси турли даврий босқичларда ҳар хил кўринишга эга бўлса-да, аммо портретчиларнинг мақсади доимо бир хил бўлган. Бу инсоннинг зоҳирий тасвири билан унинг ботиний хислатларини, руҳий оламини уйғунлаштирган ҳолда аниқ ифодалашидан иборатdir.*


#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- Д.Алимкулова. “Ўзбекистон санъати тарихи (XIX-XX асрлар). Т.:2021.
- Маҳмудов Т. Абдулҳақ Абдуллаев. – Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.-186.
- Абдуллаев Н.А. Ўзбекистон миллий портрет санъати. – F.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Т., 2011.
- Алимов Б., ва бошқалар. Ўзбекистон миллий портрет санъати. F.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент 2011.






М.Набиев. Амир Темур портрети.  
1993-й. 1997-й.



Р.Худойберганов. Амир Темур портрети



Ш.Хасанова. Шоира Мутриба,  
1947-й. 1977-79 йй



А.Абдуллаев. Алишер Навоий портрети,



Н.Кўзибоев. Ал-Хоразмий, 1983-й.



Р.Худойберганов. Жалолиддин  
Мангуберди. 1998-й.